



Имом Бухорий ривоят қилған ҳадисда Абу Хурайра розияллоху анху шундай дейди: Намозга такбир айтилиб, одамлар сафларини түғрилашди, Расулуллох соллаллоху алайҳи ва саллам чиқиб, олдинга ўтдилар. Лекин у киши жунуб ҳолда эканлар, бизга: «ўрнинглардан қимирламанглар» дедилар-да, ортларига қайтиб, ғусл қилдилар. Сўнг бошларидан сув томиб турган ҳолатда чиқиб бизга имом бўлиб намоз ўқидилар.

Имом Бухорий ривоят қилған ҳадисда Анас розияллоху анху шундай дейди: Намозга такбир (иқома) айтилди, бир киши такбирдан кейин Расулуллох соллаллоху алайҳи ва салламни тўхтатиб иқоматдан кейин у зотни ушлаб қолди.

Имом Бухорий ривоят қилған ҳадисда Анас розияллоху анху шундай дейди: Намозга такбир (иқома) айтилди. Расулуллох соллаллоху



Ислом Нури

алайҳи ва саллам эса масжиднинг четида бир киши билан гаплашиб тургандилар. Намозга турганларида, қавм ухлаб қолганди.

Шарҳ:

Гоҳо намозга такбир айтилгандан кейин имом баъзи ҳожатлар билан намозни бошлишга кечикиши мумкин, худди юқорида зикр қилинган ҳадисларда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга ҳосил бўлган воқеаларга ўхшаш. Лекин бирон ҳадис ёки ривоятларда у киши намозга кечиккандан кейин намозга янгидан такбир айтилгани ривоят қилинмаган.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1. Имом намозга такбир айтилгандан кейин бирон ҳожати чиқиб, кечикиши жоиз.
2. Имом ҳожатини ўтаб келгандан кейин такбирни янгидан айтилмайди.